
Ўзбекистон туманида яна 41 нафар талабага контракт тўловининг 50 фоизи тўлаб берилди

Ўзбекистон туманида “дафтар”ларга киритилганларнинг муаммоларини ҳал этиш, уларга ҳар томонлама ёрдам кўрсатиш юзасидан манзилли тадбирлар давом этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 28 апрелда қабул қилинган “Моддий ёрдам ва кўмакка муҳтож оилаларни, хотин-қизлар ва ёшларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори ҳам бу борада муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ҳукуматнинг ушбу қарорига асосан “Ёшлар дафтари”га киритилган йигит-қизлар ҳамда “Темир дафтар”даги оилаларнинг фарзандлари бўлган 41 нафар талабанинг жорий ўқув йили учун тўлов-контракт миқдорининг 50 фоизигача, жами 94 млн. 992 минг сўмлик тўлов-контракт пуллари тўлаб берилди.

Шу ойнинг бошида, юртимиздаги турли олий таълим муассасаларида таҳсил олаётган 36 нафар тумандош талабаларимизнинг 50 фоиз шартнома тўлови “Ёшлар дафтари” жамғармаси маблағлари ҳисобидан тўлаб [берилган эди.](#)

????????? ?????? ??????????

2022-04-23 18:12:53